



ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

2009 йил
25 апрель
ШАНБА
●
№ 33
(12.148)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

Эркин нархда сотилади

www.th.uz

ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик кенгашининг йиғилиши тўғрисида

2009 йил 24 апрель кўни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишни мамлакат Президенти, Миллий хавфсизлик кенгаши Раиси Ислам Каримов бошқарди.

Йиғилишда хавфсизликка нисбатан турли таҳдидлар ва хатарларга қарши курашни кучайтириш ва мамлакатимиз ҳамда минтақадаги бар-

қарорлиқни мустаҳкамлаш мақсадида қўрилган қўшимча чора-тадбирлар билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди ва улар юзасидан зарур қарорлар қабул қилинди.

Ҳукумат ва тегишли идора раҳбарларининг мамлакатимизда амалга оширилаётган Инкирозга қарши чоралар дастурида белгиланган тадбирларнинг жойлардаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботлари тингланди.

Ў.А.

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ СЕМИНАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида Республика Хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози шароитида раҳбар аёллар фаолияти самарадорлигини ошириш йўллари ва усулларига бағишланган илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

Унда Президентимиз Ислам Каримовнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" асарига белгиланган вазифаларни бажариш масалалари ҳусусида сўз борди. Семинарда мазкур академиянинг профессор-ўқитувчилари, хотин-қизлар қўмиталари фаоллари, "Инновацион технологиялар маркази-XXI" тингловчилари иштирок этди.

Интерфол усулда ўтган семинарда жаҳон молиявий инкирозининг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири ҳамда унинг оқибатларини олдини олиш ва юмшатишга асос бўладиган омиллар, 2008 йилда мамлакатимиз иқтисодиётида эришилган ютуқлар ҳамда 2009 йилда мамлакатни изчил ривожлантиришнинг муҳим йўналишлари, Президентимизнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" асарини жойларда ўрганишга оид маърузалар тингланди.

Ў.А.

ҲАМ ЎРГАНИБ, ҲАМ ЎРГАТИБ

узумчиликни янада ривожлантириш,
ҳосилдорликни ошириб, юқори даромадга
эришиш мумкин

"Боксанг боғ бўлади, бокмасанг кўнгила доғ бўлади", дейишда уста соҳибкорлар. Бу ҳикмат узумчиликка, айниқса, дхлдор. Асл соҳибкор, аввало қўлай жой ва яхши нав танлайди. Вилоятимизда узумчиликни ривожлантириш, маҳсулотни кўпайтириб, қайта ишлаб, чет элларга экспорт қилиш кўламлирини кенгайтириш учун мос ҳудудлар ҳам, энг сара узум навлари ҳам етарли.

Буни деҳқон бозорларида олтиндек товланиб, кўзни қувонтирувчи сархил ва йирик-йирик узум бошлари ҳам яққол кўрсатиб турибди. Билмагани сўраб-суриштириб, илгор тажрибаларни ўртоқлашиб, ҳамкор ва ҳамжиҳатликда ҳаракат қилинса, узумчилик энг сердаромад тармоқлардан бирига айланиши шубҳасиз.

Таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда узумчиликка эътибор ҳар жиҳатдан қўлайди. Жойларда аниқ мақсадга қаратилган турли ўқув машғулоти яроқли бўлиб келмоқда. Яқинда Паркент туманида ташкил этилган семинар вилоятда узумчиликни ривожлантиришнинг кенгайтириш учун мос ҳудудлар ҳам, энг сара узум навлари ҳам етарли.

"Паркент узуми" масъулияти чекланган жамият палатаси ҳудудий бошқармасининг туман ахборот-маслаҳат маркази ҳамкорликда уюштирган семинарга Жанубий Африкадан соҳага ихтисослашган мутахассислар ҳам тақлиф этилди. Паркентлик тадбиркорлар машғулотда фаол иштирок этдилар.

Семинар қатнашчилари жойларда бўлишиб, тоқларни кесиш, парваришлаш,

симбағазларнинг турларидан ўринли фойдаланиш бўйича ўзаро тажриба алмашдилар. Шунингдек, улар чет элларда қўлланилаётган илгор усуллар билан таништирилди.

Амалий машғулотлар давомида, — деди "Sunny Raising" масъулияти чекланган жамият раҳбари Рашид Пирматов, — ҳосилдорликни ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш ва энг муҳими, юқори даромад олишнинг янги усуллари билан танишганимиз кейинги фаолиятимизда ўз самарасини беради, албатта.

Бундай амалий семинарлар узумчилик ривожланётган бошқа вилоятларда ҳам бўлиб ўтмоқда.

СУРАТДА: машғулот пайти.

Даврон АҲМАД олган сурат.



Бугуннинг гапи



ОБОД КЎЧАЛАРНИНГ ФАЙЗИ БОШҚАЧА

Дала ҳовлиларнинг томлари бўялди. Бундан ташқари тумандаги "Энергоқурилишдустрия", "Саноат-уйэнергоқурилиш", "Урта-чирчиқ ГЭСлари тизмаси" шўъба корхоналари, йўл ҳўжалиги, "Чорбоғ ГЭС қурилиш" бошқармалари каби бир қатор йирик муассасаларнинг бино ва иншоотлари таъмирланиб, ҳудуд кўламазорлаштирилди. Кўчалар она-Ватанга садоқат, миллий ҳақиратларимиз ва ўзлимиздан фахр-

ланиш ҳисси билан сугорилган, юксак дид билан ишланган паннолар билан безатилмоқда.

Бу йил туманда ҳар қачонгидан ҳам кўп гул ва мева, манзарали дарахтлар экилди, десак хато бўлмайди. Йўл ёқаларига туташган фермер ҳўжаликлари ерларининг чекка қисмида янги боғ-роғлар барпо этиш ташаббуси билан чиқишгани диққатга сазовор. Натижада, йўл ёқаларида 16 гектардан ортик

мевазорлар пайдо бўлди. Уларда ҳозир 3000 туپдан зиёд ёш нихоллар алоҳида эътибор билан парваришланмоқда.

Умуман, бу йил кўламли ободонлаштириш, кўламазорлаштириш тадбирлари доирасида туман бўйича 16 минг 400 туپ шафран, 11,5 минг туپ атиргул, 12 минг тул петуня, 14 минг тулдан зиёд маргаритка, 12,5 минг тунга яқин салвия навли анвоий гул қўчатлари экилиб, ўнлаб

гулзорлар ташкил қилинди. 12 минг тулдан зиёд мева, қариб 25 минг тул манзарали дарахтлар ўтказилди. Бунда айниқса, "Маърифат", "Наврўз", "Озодбош", "Ҳазалкент" маҳалалари аҳли алоҳида жонбозлик кўрсатдилар.

— Бу ҳайрли ишлар барчамизга бир олам завқ-шавқ бағишламоқда, — дейди туман "Маҳалла" жамғармаси бош мутахассиси Холмид Аббасов. — Шу боис иштиёқимиз, та-

шаббусимиз сўнгани йўқ. Аксинча, туманимиз жамоатчилиги ва меҳнаткаш аҳли ободонлаштириш ишларини йил бўйи узлуксиз давом эттириш ниятида.

Файрат ШЕРАЛИЕВ, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.

СУРАТЛАРДА: туман кўчаларида янги гулзорлар ташкил этиш чоғида.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

МУХЛИСЛАРГА МАНЗУР БЎЛДИ

Юртимизда ижод қилиб келаётган таниқли ва иқтидорли ёш рассомлар асарларини намойиш этиб, халққа таништиш мақсадида ҳамда рассомлар кўнига бағишлаб Ўзбекистон бадиий ижодкорлар уюшмасининг марказий кўргазмалар залида "Илҳом париси" анъанавий тасвирий санъат ҳафталиги ташкил қилинди. Унда вилоятлардан келган бир қатор тасвирий санъат усталарида М. Тошмурадов, С. Абдуллаев, Х. Мирзаахмедов, А. Тюрин, Х. Санаев ҳамда ёш истеъдодли рассомлардан Э. Хайтов, К. Бобоев, Н. Орипов, З. Шарипов ва бошқаларнинг асарлари намойиш этилди.

Юлдузхон ФАЗЛИДИНОВА.

ТАЛАБАЛАР «БИЛАЙН»ДА

Тошкент ахборот технологиялари университетининг 15 нафар юқори босқич талабалари «Билайн» мобил компаниясида амалиёт ўташмоқда. Улар компания томонидан ўтказилган «Учинчи авлод — 2009» лойиҳасида ғолиб деб топилди. Унда 200 дан ортик талаба иштирок этди. Ҳафта талабалар 1 сентябргача компаниянинг бош офиси ва жойлардаги бўлимларида малака оширишда. Айни кунда уларнинг компания фаолияти билан янада яқинроқ танишиши учун махсус дарслар ташкил этилмоқда.

«Туркистон-пресс».

Юсуф ЖУМАЕВ.

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ҲУҚУҚИ ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

Мамлакатимизда вояга етмаганларга қўллаб-қувватлаш ҳамда жамиятда ўз ўрниларини топишларида кўмаклашишга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратиб келинмоқда. Болалар босқисидан бошлаб мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юртиларида ҳам вояга етмаганлар билан алоҳида ишлаш, уларнинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини тўғри тушуниб олишлари ёрдам бериш учун турли тадбирлар ўтказилмоқда. Зеро, Юртобшамиз айтганларидек, "Маънавий ва жисмоний баркамол авлодни вояга етказиш масаласи биз учун умумий, умумдавлат миқёсидаги вазифадир".

Вояга етмаганлар ҳуқуқлари ҳимоя қилиш, улар манфаатларини ҳар томонлама ифодадашда халқроқ ҳуқуқнинг умумэътироф этилган меъёр ва талабларини ҳам белгиланган тартибда миллий қонунчиликка сингдириш масалаларини муносиб тарзда ҳал қилиш лозим бўлади. Ҳозирги кунга келиб республикада болалар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган халқроқ ҳуқуқ меъёрларини миллий қонунчиликка киритиш изчил давом этмоқда. 2008 йил 4 ва 8 апрелда Халқроқ Меҳнат ташкилотининг "Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисида"ги ҳамда "Болалар меҳнатининг оғир шакллари тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шўшилиш чоралар тўғрисида"ги Конвенциялари ратификация қилинди. Шу муносабат билан 2008 йилнинг 12 сентябрида Вазирлар Маҳкамаси қарор қабул қилиб, мазкур конвенцияларни амал-

га ошириш бўйича Миллий ҳаракатлар режасини тасдиқлади.

Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёшга, вояга етмаганлар меҳнатининг меъёрлари ва шароитларига, болалар меҳнатининг оғир шакллари йўқ қилишга ва улардан фойдаланганлик учун жавобгарликни белгилашга оид қоидалар Ўзбекистон Республикасининг миллий қонунчилигини да мазкур конвенциялар ратификация қилинишидан анча олдин ҳам маъжуд эди. Конвенцияларни амалга ошириш эса, шубҳасиз, болалар меҳнатининг оғир шакллари барҳам беришга қаратилган чоралар самарасини янада оширади.

Таъкидлаш жоизки, республика Жиноят кодексининг олтинчи бўлими вояга етмаганларнинг алоҳида ижтимоий маъна ҳада жисмоний ва руҳий ривожланиш даражасини ҳисобга олган ҳолда фақат уларнинг жиний жавобгарлиги масалаларига бағиш-

ланган. Қонунда вояга етмаганларга нисбатан жазони индивидуаллаштириш бўйича қатъий талаблар белгиланган, озолиқдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаш ҳоллари чегараланган. Хусусан, Жиноят кодексининг 85-моддаси тўртинчи қисмига мувофиқ вояга етмаганларга нисбатан ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятлар учун озолиқдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаш мумкин эмас.

Айни вақтда, мазкур моддада уларга нисбатан унча оғир бўлмаган жиноятлар учун озолиқдан маҳрум қилиш жазосини тайинлашга йўл қўядиган меъёрлар ҳам бор бўлиб, бу ягона суд амалиёти шаклланишига салбий таъсир кўрсатар эди. Бу каби ҳуқуқий нуқсонларнинг мавжудлиги айрим ҳолларда вояга етмаганларнинг унча оғир бўлмаган жиноятлари учун ҳам озолиқдан маҳрум қилинишларига олиб келган. Киритилган ўзгартиришлар ушбу қарама-қаршиликларни бартараф этди ва келгусида жиний жазонинг тўғри қўлланиши ва вояга етмаганларга нисбатан ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятлар учун озолиқдан маҳрум қилиш жазоси тайинланмаслигини кафолатлайди.

(Давоми 2-бетда).

ИЖОДКОР КОЛЛЕЖ МЕҲМОНИ

Янгийўл туманидаги иқтисодий-сервис касб-ҳунар коллежиди болаларнинг сеvimли шоири Турсунбой Адашбоев билан ижодий учрашув ўтказилди.

Сермахсул ижодкор болалар адабиётидаги жараёнлар, ижод машаққатлари, ёшларнинг маънавий олами ҳақида сўзлаб берди.

Шоирнинг шоғирдлари Дилшод Ражаб ва Моҳичеҳра Тўлаганова ҳамда коллежнинг фаол ўқувчилари шоирнинг болалиги, ижоди ҳақида сўзлаб, шеърларидан намуналар ўқиди.

Учрашув сўнггида шоир коллеж кутубонасига ва энг фаол ўқувчиларга "Қўшим — қўш қанотим" китобига дастхат ёзиб соға қилди.

Муҳайё ТўЛАГАНОВА, республикада хизмат кўрсатган халқ таълими ходими.

ФЕРМЕР ВА ТАДБИРКОР БИР ДАВРАДА

Тошкент туманида "Қишлоқ тақийоти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури доирасида тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш масалаларига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

Уни Ўзбекистон Либерал-демократик партияси вилоят кенгаши ташкил этди. Ўзаро фикр олишувда партия фаолларидан ташқари солиқ идоралари, банк муассасалари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди. Асосий эътибор туманда фермер ҳўжаликлари фаолиятини ривожлантириш, улар ишидаги камчиликларни таҳлил қилиш, деҳқончилик, боғдорчилик ва чорвачилик самарадорлигини ошириш, қишлоқларда қайта ишлаш корхоналарини жадал барпо этиш масалаларига қаратилди.

9 май — Хотира ва қадрият кўни

Ўзбек журналистикаси серқирра, бой тарихга эга. Унинг тамал тошини қўйганлардан бири, ЎзМУ журналистика факультети ўқитувчиси, тарих фанлари номзоди, доцент, марҳум устозимиз Воҳид Абдуллаев бўлади. Унинг ўзбек журналистикаси ривожига қўшган ҳиссаси бекиёс.

УСТОЗ МЕҲРИ УММОНДИР

Олим яратган асарларида, матбуотда эълон қилинган илмий-услубий мақолаларида халқчиллиқни, маънан баркамол инсон тарбияси каби муҳим масалаларни оммавий ахборот воситаларида ёритишнинг таъсирчан йўллари кўрсатиб берди. У айниқса, тарбия масаласига асрий қадриятларимиздан, миллийлигимиздан узоқлашмаган ҳолда ёндашиш лозимлигини таъкидлар эди. Устоз телевидение, радио журналистикасида нутқ маданияти, соф адабий талаффузга эга бўлмаган бошловчи томошабин ва тингловчиларга қўлги бўлмаслик учун йиллар давомида ўз устида ишлаш, нутқининг равлан, чиройли бўлишига эришиш лозимлигини ўқитарди.

Едимда, илк бора "Қизлархон" кўрсатувида бошловчи бўлиб эфирга чиққананда менга устозлик қилган, биринчи табриклаган ҳам Воҳид Абдуллаев эди.

(Давоми 2-бетда).

2009 йил учун
ОБУНА
давом этмоқда.
«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»
газетасининг индекси — 205.

